

**Кутбитдинова Моҳигул Иноятовна,  
Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги  
Малака ошириш маркази “Солиқлар ва  
солиққа тортиш” кафедраси доценти**

## **РЕСУРС ВА МОЛ-МУЛК СОЛИҚЛАРИ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*Уибу мақолада ресурс ва мол-мулк солиқлари маъмурчилигини янада такомиллаштириши, солиқ солиши тизими ва ҳисобини юритишнинг замонавий усулларни жорий этиши масалалари ёритилган.*

*В статье рассматриваются вопросы дальнейшего совершенствования администрирования налогов на ресурсы и имущество, внедрения современных методов системы налогообложения и бухгалтерского учета.*

*The article discusses the issues of further improving the administration of taxes on resources and property, the introduction of modern methods of taxation and accounting.*

Мол-мулк ва ресурс солиқлари маъмурчилигини янада такомиллаштириш, солиқ солиши тизими ва ҳисобини юритишнинг замонавий усулларни жорий этиш, шунингдек ер қаъридан қазиб олинадиган фойдали қазилмалар, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Республика иқтисодиётида хўжалик юритишнинг бозор механизmlарини кенг жорий этиш, корхоналарнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва уларни хусусийлаштириш, иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш, товарлар ва ҳар хил турдаги мулк бозорларини шакллантириш, турли мулкий ва номулкий хуқуқлар билан операцияларни ривожланиши мулкка нисбатан бўлган ашёвий ва бошқа хуқуқлар қийматини баҳолашни мулк эгаларини ўзаро ва улар билан давлат ўртасидаги муносабатларни амалга оширишнинг зарурий шарт килиб кўйди. Бу эса ўз навбатида турли тоифадаги мулк қийматини муайян мақсадлар учун баҳолаш ишларини йўлга кўйишни талаб этади.

Бугунги кунда кўчмас мулкка солиқ солиши дунёнинг қарийб 130 мамлакатида амал қиласди. Бу давлатларнинг ҳар бирида мулк солиғининг ўзига хос тизими мавжуд. Шунга қарамай, мазкур солиқ тизимининг айrim тамойиллари ўзгаришсиз қолдирилиб, аксарият мамлакатларнинг қонунчилигига у ёки бу даражада ўз аксини топган.

Кўчмас мулк солиғи одатда ер ва унда қурилган бино, яшаш ёки тижорат юритиш учун мўлжалланган иншоотлар учун ундирилади. Айrim

мамлакатларда уларга ягона солиқ, яъни кўчмас мулк солиғи солинса, (АҚШ, Италия, Испания, Япония), бошқаларида иккита мустақил солиқ тури, ер солиғи ва мол-мулк солиғи қўлланилади (Туркия, Франция, Россия, Ўзбекистон).

Кўчмас мулк солиғининг ҳам бир нечта тури – сотиб олганлик учун солиқ, кўчмас мулқдан тижорат мақсадида фойдаланишдан олинган даромад учун солиқ, капитал қийматнинг ортишидан тўланадиган солиқ ҳамда мулк учун йилда бир маротаба тўланадиган солиқ мавжуд.

Кўчмас мулк учун солиқ, асосан, бозор маълумотлари қўлланилган ҳолда обьектнинг баҳолаш қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади. Солиқ кодексининг 411-моддасига асосан кўчмас мулк обьектига қўшимчалар киритилди:

а) 2020 йилдан темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур обьектларнинг ажralmas технологик қисми бўлган иншоотлар кўчмас мулкнинг солиқ солиш обьектига киритилди.

Буни қўйидаги мисолда кўришимиз мумкин, Когон шаҳридаги “Бухоро локомотив депоси”нинг кўчмас мулкининг қиймати 670 000 000 сўм ташкил этади.

$670\ 000\ 000\ \text{сўм} \times 0,2\% = 1\ 340\ 000\ \text{сўм}$  мол-мулк солиғи ҳисобланади.

б) 2020 йилдан қурилиш ташкилотлари ёки иморатларни қурувчилик балансида кейинчалик сотиш учун кўрсатилган тураг жой кўчмас мулк обьектлари, кўчмас мулк обьекти фойдаланишга топширилгандан кейин олти ой ўтгач солиқ солиш обьекти ҳисобланади.

Буни қўйидаги мисолда кўришимиз мумкин. Намангандаги шаҳридаги “Сувчи қурилиш монтаж” МЧЖ 2019 йил июнь ойида 980 000 000 сўм сотиш учун мўлжалланган кўп қаватли тураг жойни (*40 хонадонни*) фойдаланишга топширилган (*хар бир хонадон 24 500 000 сўмдан*). Шундан кўп қаватли тураг жойнинг 784 000 000 сўмлиги сотилган, 196 000 000 сўмлик тураг жой сотилмаган.

Юридик шахслар томонидан сотиш учун қурилган 6 ойдан кўп муддатда сотилмаган 196 000 000 сўмлик тураг жой кўчмас мулкнинг обьекти ҳисобланиб ва унинг қийматидан мол-мулк солиғи ундирилади.

$196\ 000\ 000\ \text{сўм} \times 2\% = 3\ 920\ 000\ \text{сўм}$  мол-мулк солиғи ҳисобланади.

Ресурс ва мол-мулк солиқлари маъмурчилигини янада такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан 2021 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий бюджет даромадларини барқарорлигини ва мустақиллигини таъминлашда Солиқ кодексида белгиланган солиқ ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, мол-мулк ва ер солиғини ҳисоблаб чиқишда ер солиғи ставкасини ҳамда мол-мулкнинг кадастр қийматини 0,7 дан 2 миқдорда камайтирувчи ва оширувчи коэффициентини қўлланилади. Бунда, мол-мулк ва ер

*Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2020 йил, 4-сон*

солиқларининг юқори ставкалари транспорт катнови қулайлиги ва инфратузилма мавжудлигига қараб, туман (шаҳар)нинг алоҳида ҳудудлари бўйича табақалаштирилган ҳолда Маҳаллий кенгаш депутатлари Кенгашлари томонидан белгилашга ваколат берилди.

Фармон билан 2021 йил 1 январдан бошлаб:

а) кўп квартирали уйларга узвий боғлик бўлган автомашина туар жойларини мол-мулк солиғи обьектига киритиш ҳисобига, обьектлар доирасини кенгайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда солиқ солиши мақсадида кўп квартирали туар жойларга узвий боғлик бўлган автомашина туар жойларини кадастр қийматини аниқлаш бўйича механизми ишлаб чиқилди.

б) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга ер солиғига белгиланган ставкаси каби қишлоқ хўжалиги экинзорлари норматив қийматидан келиб чиқиб, ер солиғини ҳисоблаш тартибини дехқон хўжаликлари ва мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналарига татбиқ этиш орқали қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларга солиқ солишининг ягона тартиби киритилади. Манфатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда дехқон хўжаликларидан олинадиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни қишлоқ хўжалиги экинзорларини норматив қийматини аниқлаш бўйича ўтказилган баҳолаш натижасига асосан зарурят туғилганда ер солиғи ставкасини қайта кўриб чиқиши;

в) коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун шунингдек, қишлоқ хўжалик ерларини суғориш қисми ва балиқларни ўстириш (етишириш), шу жумладан дехқон хўжаликлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2020 йил даражасида сақлаб қолинади. Сувни ҳисобини юритиш асбоблари мавжуд бўлмаган тақдирда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 1,1 бараварга оширилади;

г) сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида сув солиғини ҳисоблашда турли мақсадларда фойдаланилганда сув ҳажми ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш тартиби киритилади;

Бунда, сув ҳажми ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш имкони бўлмаган ҳолларда, ишлатилган сув ҳажмидан келиб чиқиб сув солиғи энг юқори ставкада ҳисобланади.

д) қимматбаҳо, рангли, нодир ва радиоактив металларни қазиб оловчи (ажратиб оловчи) ер қаъридан фойдаланувчилар учун фойдали қазилмаларни қазиб олишда маҳсус рента даромади солиғини киритиш, босқичма-босқич давлат корхоналари учун солиқ солишида фойданинг бир қисми бўйича оширилган фойда солиғи ставкаларини ер қаъридан фойдаланувчиларнинг капитал харажатларини ҳисобга олган ҳолда бекор қилинади.

е) “Хавфсиз дарё” ДУК билан тузилган шартномаларга асосан тадбиркорлик субъектлари томонидан дарё ўзанларини тозалаш натижасида олинган қум-шагал материалларининг ҳар бир метр куб учун шартнома тузилган кунда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдорининг аукцион асосида ер участкаларини бериш тартибини сақлаб қолган ҳолда 2 фоиздан 0,1 фоизга тушириш.

Норуда фойдали қазилма конларини ўзлаштириш ва уларни самарали, айниқса дарё ўзанларидан қазиб олинишини таъминлаш учун қўшимча шартшароитларни яратиш ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда норуда фойдали қазилмалар бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини қайта кўриб чиқилади.

Шунингдек, солиқ органларига чекланган штат бирликлари доирасида маркшайдер мутахассисларини ишга қабул қилиш ва зарур техник-ўлчов асбоб ускуналари билан таъминлаш;

Солиқ кодексига ўзгартириш киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига қуидаги таклифлар киритиши:

ғишт ишлаб чиқарувчилар тупроқни олиш манбасидан қатъий назар фойдаланилган тупроқ ҳажмидан ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш;

солиқ назорати тадбирлари доирасида норуда қазилма бойликлари ҳажмини яшириш ҳолатлари аниқланганда, яширилган ҳажмдан келиб чиқадиган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни 2 карра миқдорида ундиришга эътибор қаратилмоқда.

2021 йилнинг 1 январидан бошлаб: ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан солиқ мажбуриятларини бажармаслик, солиқ базасини яшириш (камайтириб кўрсатиш), ҳужжатсиз маҳсулотларнинг реализация қилиш ҳолатлари лицензия талабларининг бузилиши деб ҳисобланиши;

ер қаъридан фойдаланувчиларига норуда фойдали қазилмаларнинг ҳаракати бўйича баланс ҳисоботи (5ГР)ни электрон шаклда солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича йиллик ҳисоботи билан бирга тақдим этиши;

норуда маҳсулотларини ноқонуний қазиб олиш ва ҳужжатсиз реализация қилиш ҳолатлари тақороран аниқланганда, шунингдек норуда фойдали қазилмаларнинг ҳаракати бўйича баланс ҳисоботи (5ГР)ни тақдим этмаган тақдирда солиқ органларига лицензияни бекор қилиш ёки тўхтатиш бўйича тақдимнома киритиш ваколати берилди.

Бозор баҳосига яқин бўлган кўчмас мулк обьекти қиймати асосида мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаш тизимини киритиш икки босқичда:

биринчи босқич (2021-2023 йиллар) – кўчмас мулк бўлган турагар-жой фонди обьекти (квартира, якка тартибдаги уй-жойлар, дала-ҳовли), шунингдек ушбу обьектлар эгаллаган ер участкалари;

иккинчи босқич (2022-2024 йиллар) – яшаш учун мўлжалланмаган алоҳида кўчмас мулк обьектлари, шунингдек ушбу обьектлар эгаллаган ер участкалари солиқларини ҳисоблаш тизимини киритилади.

Юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк обьектлари ҳисобини ишончли ва тўлиқ юритилишини таъминлаш, соддалашган ва адолатли солиқ солиш тизимини ташкил этишда, кўчмас мулк обьектларига солиқ солишни такомиллаштириш бўйича ислоҳот ўтказиш ва мувофиқлаштиришда кўйидаги:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда кадастр ва кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш тизимини модернизация қилиш учун Жаҳон банкидан имтиёзли кредитларни жалб қилиш;

б) 2021 йил 1 январга қадар ҳалқаро молия институтлари эксперtlари билан биргаликда кўчмас мулк обьектларига солиқ солишни янада такомиллаштириш бўйича ер солиғи ва мол-мулк солиғини ўрнига, кўчмас мулк солиғини киритишни назарда тутувчи “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

в) кўчмас мулк обьектларининг (бино, иншоот ва ер участкалари) юридик ва жисмоний шахс эгалигида бўлиши ва ер солиғи бўйича адвалор (*қийматига нисбатан фоизда*) ставкани киритиш орқали эмас, балки уларнинг кадастр қийматидан ва обьектнинг жойлашувидан келиб чиқсан ҳолда солиқ солиш тартибини соддалаштириш;

Кўйидаги лойиҳаларни:

**2021 йил 1 ноябрга қадар** яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк обьектлари ва ушбу обьектлар билан банд бўлган ер участкалари қийматини бозор қийматига максимал даражада тенглаштириш бўйича кадастр қийматини аниқлаш механизмини киритиш;

**2021 йил 1 декабрга қадар** ер участкаларидан фойдаланиш ва уларнинг бегоналаштириш ҳуқуқлари классификаторини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг янги таҳрири;

д) кўчмас мулкларни баҳолашни ўтказиш жараённида юзага келадиган ташкилий, ҳуқуқий, методологик ва бошқа масалаларини кўриб чиқиш, шунингдек кўчмас мулк обьектларини солиқقا тортишни такомиллаштириш;

е) 2020-2024 йилларда ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш бўйича Йўл харитасини ҳалқаро молиявий институтлар ва хорижий эксперtlарни, Давлат бюджети маблағларидан молиялаштиришни ҳисобга олиб жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни қабул қилинади.

Хорижий ва маҳаллий экспертларни жалб қилган ҳолда бозор қийматига асосланиб, капитал қурулиш объектларидан фойдаланиш мақсади ва ер участкаларидан фойдаланишга боғлиқ ҳолда кўчмас мулк объектларини кадастр қийматини аниқлаш бўйича синов тартибида республиканинг қўйидаги ҳудудларида:

тураг жой ва нотурар жойга (тижорий) мўлжалланган мол-мулк объектлари – Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида;

ишлаб чиқаришга мўлжалланган объектлар – Қашқадарё вилояти Муборак туманида;

рекреацион зона ва алоҳида қўриқланадиган ҳудуд объектлари – Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида;

кишлоқ хўжалигига мўлжалланган объектлар – Бухоро вилояти Ромитан туманида “тажриба-синов” ўtkазилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулкларини 2021-2024 йилларда баҳолашдан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг асосланган ҳисоб-китоблари асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан маблағ ажратилади[1].

Сўнгги йилларда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Республикада 2020 - 2030 йилларда аҳолини ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалигига бозор тамойиллари ва механизмларини ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, сув хўжалиги объектларининг ишончли ишланини таъминлаш ҳамда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бораси бир мунча ишлар амалга оширилмоқда[2].

Солик кодексига кўра сув ресурслардан фойдаланганлик учун солик умумдавлат солиқлари таркибиға киради. Ушбу солик табиий бойликлардан самарадорлигини таъминлаш билан бирга фискал вазифани бажариб, давлат бюджети даромадлари таркибидаги улуши 0,2 фоизини ташкил этади.

Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк, ер ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиғи нисбатан белгиланган солик ҳисобланади ва ҳудудларнинг маҳаллий бюджетларини шакллантиришга йўналтирилади. Бу қўйидаги жадвалда акс эттиrlenган.

**Ресурс ва мол-мулк солиқларининг йилма йил ўзгариш  
суръатлари**

*Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириши ва статистик тадқиқотлар институтининг “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2020 йил, 4-сон*

Т/п	Солиқларнинг номи	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2017/2018 нисбатида		2018/2019 нисбатида	
					фарқи (+;-)	ўсиш суръати (%)	фарқи (+;-)	ўсиш суръати (в %)
<b>Мол-мулк солиғи тўловчилари</b>								
1.	Юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи тўловчилари сони	6 442	9 261	64 966	+2 819	144	+55 705	701
2.	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тўловчилари сони	5 356	12 887	74 707	+7 531	240	+61 820	580
3.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиғи тўловчилари сони	4 592	3 443	50 898	-1 147	75	+47 455	14 баробар
<b>Бюджет маблағларига кўрсаткичларининг бажарилиши, давлат мақсадли тўловлар ва қўшимча манбаларни жалб қилиш бўйича прогноз кўрсаткичларини бажарилиши (млрд. сўм)</b>								
1.	Юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи суммаси	1554,1	1 897,8	1 553,7	343,7	122	-344,1	82
2.	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи суммаси	357,4	631,1	1 142,7	274	177	511,6	181
3.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси	171,8	128	314	-43,8	75	186	245

**Манба: Солиқ хабарлари маълумотларига асосан муаллиф ишланмаси [3].**

Юқоридаги жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатгичларида, 2017 йилдаги бюджет даромадларида жами мол-мулк солиғининг 1554,1 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2018 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 122 фоизга ўсди. Солиқ тўловчилар сони 701 фоизга ўсди. Солиқ ставкаси 2019 йилда 5 фоиздан 2 фоизга пасайиши билан тушум 2018 йилга ниисбатан 2019 йилда 82 фоизни ташкил этди.

2017 йилдаги маҳаллий бюджет даромадларида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси 171,8 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2018 йилдаги кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 75 фоизни ташкил қилди.

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тўловчилари сони йилдан йилга 6 баробарга ўсди.

2017 йилдаги бюджет даромадларида жами ер солиғининг 357,4 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2018 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 177 фоизга ўсди. Солиқ тўловчилар сони 6 баробарга ўсди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хulosани чиқариш мумкин:

- аксарият холларда кўчмас мулкларни қиймати бозор қийматидан келиб чиқиб ҳисобланар экан, солиқ солиш мақсадида ҳам **кўчмас мулк қиймати бозор механизми асосида ҳисоб-китоб қилиниши** адолатлилик тамойилига мувофиқ бўлади;
- маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини кенгайтириш, уларнинг мунтазам ва ишончли солиқ солиш базасини шакллантириш, солиқ маъмурчилиги самарадорлигини ошириш ҳамда умумбелгиланган солиқ режимини янада ихчамлаштириш мақсадида, мол-мулк ва ер соликларини бирлаштириб, **босқичма – босқич кўчмас мулк солигига ўтиш**.
- сувдан фойдаланиш учун белгиланган лимитлардан ортиқча сув олинганда, бундай ортиқча қисм бўйича солиқ ставкалари белгиланган солиқ ставкаларининг беш баравари микдорида белгиланган жаримани 2021 йил 1 январгача бекор қилиш;
- ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқаришда ва уни назорат қилишда биржадаги қазилманинг сотув нархлари жуда катта аҳамиятга эга, шу сабабли ҳар бир сотилаётган қазилма бойликнинг қийматини кўрсатадиган дастурий махсулотини ишлаб чиқиш;
- балиқчилик хўжаликларини босқичма-босқич интенсив усулда балиқ этиштиришга ихтисослаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартағи ПФ-5969-сонли фармонининг 5-(в)[4] бандида берилган – қишлоқ хўжалигидаги ерларни суғориш учун фойдаланилайдиган ҳажмлар бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2020 йилда ўрнатилган ставкалардан 50 фоизга пасайтирилишини тадбиқ этиш таклиф сифатида тавсия қилинади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ресурс ва мол-мулк соликлари маъмурчилигини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.
3. Основные сравнительные показатели деятельности органов ГНК Республики Узбекистан за 2017, 2018 и 2019 гг.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартағи “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли Фармони